

Азим Суюн истеъдодли, исёнкор ва хакикатгўй шоирлардан биридир. У 1948 йилнинг 22 феввалида Самарканд вилоятининг Нахрруд кишлогига меҳнаткага оиласида дунёга келган. Ўрта мактабдан сўнг Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факултетига кириб ўқиган. Унинг ижоди 60-йилларнинг охири ва 70-йиллар бошида бошланган бўлиб, «Менинг осмоним» (1978) номли биринчи шеърлар тўплами билан кенг китобхонларга танилган.

Шундан буён шоирнинг ўнга яқин шеърый тўпламлари ва бир катор дostonлари чоп этилди. Жумладан, «Зарб» (1979), «Замин такдири» (1981), «Хаёлот» (1984), «Зиё кўли» (1986), «Жавзо» (1987), «Олис тонглар» (1989), «Куйганим-суйганим» (1992) каби шеърый гулдасталари ўқувчиларнинг севимли китоблари бўлиб колдл. Айникса, унинг «Сарбадорлар» фожеаси, «Ўзбекистон», «Бир томчи сув денгизга айланган кеча ёки Иморат» каби дostonлари маълум ва машхурдир. Уларда замон ва давр, замондошлар ва тенгдошлар такдири, фожеаси, интилиш ва курашлари чинакам хаёт хакикати даражасида ўз ифодасини топган.

Шоир чукур фалсафий мушоҳадаларга бой «Ўзбекистон» дostonи ва бир туркум шеърлари учун Абдулхамид Чўлпон номидаги биринчи халқаро мукофотга (1991) сазовор бўлган. Айни чоғда шоир Азим Суюн 1992 (21—24 май) йил Туркияда бўлиб ўтган «Туркий улуслар адабиётида туркий тил» анжуманида Туркия ёзувчилар Бирлигининг мукофотига сазовор бўлди. Унинг бир катор шеърлари, шеърый туркумлари, китоблари, рус, инглиз, турк, козок, тожик, тува каби ўнлаб тилларга таржима килинган.